

**PAYARIQ TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**

141300, Payariq shahri, Payariq
50 yilligi ko'chasi, 4-uy



**PAYARIK INTER-DISTRICT
ECONOMIC COURT**

141300, Payarik, Payarik
50th Anniversary street, 4

Tel: (66) 425-17-35

www.oliysud.uz

e-mail: i.payariq@sud.uz

**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 26 август Пайариқ тумани 4-1406-2201/2711-сонли иш

Пайариқ туманлараро иқтисодий суди судья Б.Жураевнинг раислигида, Ж.Турсуновнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси вакили А.Бошмонов (2022 йил 26 август кунги №23-79697-сонли ишончнома асосида) иштирокида, аризачи Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасининг жавобгар "SAMANDAR ZAMIN DALA" фермер хўжалигига нисбатан берган аризаси бўйича ишни Пайариқ туманлараро иқтисодий судининг биносида очик сайёр суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Аризачи Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) Пайариқ туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгар "SAMANDAR ZAMIN DALA" фермер хўжалиги (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) томонидан солиқ ҳисоботини белгиланган муддатида солиқ органига тақдим этмаганлигини билдириб, жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, жавобгар суд мажлисида ўз вакили иштирокини таъминламади.

Суд ишни Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддаси 1-қисмига асосан жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили ўз тушунтиришида, аризани қувватлаб, ундаги важларни такрорлаб, жавобгар бугунги кунга қадар солиқ ҳисоботини тақдим этмаганлигини билдириб, суддан аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг аризасини қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, аризачи томонидан солиқ тўловчи (жавобгар)нинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган.



Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 111-моддаси 1-қисмига мувофиқ, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Шу модданинг 2-қисмида “Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.” деб кўрсатилган.

Ушбу қонун талабига асосан аризачи жавобгарга солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги сабабли унинг банклардаги ҳисобварақ бўйича операциялар тўхтатилганлиги тўғрисидаги хабарномани жавобгарнинг шахсий кабинетига юборган.

Лекин жавобгар тегишли солиқ ҳисоботини тақдим этмаган.

Шу сабабли аризачи жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилган.

Аризачининг маълумотномасига кўра, жавобгар суд кунига қадар солиқ ҳисоботини тақдим қилмаган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 111-моддасининг 3-қисми 1-бандига асосан, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда қўлланилиши мумкин.

Шу модданинг 5-қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

Бундай ҳолатда, суд аризачининг аризаси иш ҳужжатлари билан ўз

ҳисоботини топган деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантиришни,



жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси, 1-қисми, 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган. Шу сабабли суд давлат божини ундирмасликни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 118, 215-222-моддаларини қўлаб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Аризачи Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасининг аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар "SAMANDAR ZAMIN DALA" фермер хўжалигининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар ўн кундан кўп муддатга, солиқ ҳисоботини тақдим қилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин ўн кун ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш мумкин.

Судья

Б.Х.Жураев

